# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 16 май. ЖУМА № 39 (5.812). Сотувда эркин нархда


*Мамлакатимиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Сурхондарёга ташрифи, серфайз далалар, бўлиқ ғаллазорда Президент ва деҳқонлар, раҳбару мутахассислар ўртасида бўлиб ўтган самимий мулоқотлар меҳнаткашларнинг ғайрат-шижоатини янада жўш урдирди, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.*

*Қуйида ана шулар хусусида гап боради.*

## МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК ҲИССИ

*Жарқўрғон тумани ҳокими Нурқобил ТУРДИЕВ ҳикоя қилади*

Мамлакатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифи, ғўза бир текис униб чиққан файзли далалар, буғдой бошоқлари тўлишиб, пишай деб турган ғаллазорда деҳқонлар билан ўтказилган самимий мулоқот барчага жўшқинлик, кўтаринки кайфият бахш этди. Пахта сифати, уни сотиш, барвақт йиғиштириб олинган ҳосил ўрнига кузги ғалла экишнинг афзалликлари ҳамда тадбиркорлик, ҳамжиҳатлик зарурлиги хусусидаги қимматли маслаҳатлар ҳар бир жамоада ишни янгича талаблар асосида ташкил этишда муҳим рол ўйнаши шубҳасиз.

Таъкидлаш жоиз, андижонликлар ҳар бир қарич ердан омилкорлик билан фойдаланиб, пахтадан мўл ҳосил етиштириб келмоқдалар. Асл деҳқонлар замин унумдорлигини ошириш, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, деҳқончиликда янги усул ва технологияларни жорий этишда ўзига хос мактаб яратдилар. Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан бу йил мамлакатимизда икки юз минг гектар ерга плёнка остига чигит экилди. Хўш, Андижон усули Сурхондарёга мос келадими? Юртбошимиз Термиз туманидаги «Намуна» жамоа хўжалиги раҳбару мутахассислари, заршуносларига шундай савол билан бекорга мурожаат этмадилар. Бизнинг ҳам дилимиздаги гап: плёнка остига чигит экиш воҳамизда ҳам ўзини тўла оқлайди. Бу нималарда кўринмоқда. Аввало аксарият хўжаликларда андижонча усул шарофати билан барака уруғи тўрт кунда униб чиқди. Текис ва соғлом кўчатлар олинди. Ниҳолларга жала таъсир қилмади. Мутахассисларимизнинг фикрича пахта 25-30 кун илгари пишиб етилади. Демак илғор усул қўлланилган далаларда ҳосил йиғим-теримини сентябрь ойида якунлаш мумкин.

Янгиликни жорий этишдаги баъзи бир камчиликлар бизнинг ҳам районимиз учун тегишлидир. Ҳали синаб кўрилмаган агротехника тадбирини қўллашда деҳқонларимиз қийинчиликларга дуч келдилар. Масалан, махсус сеялканинг ўзига хос томонлари яхши ўзлаштирилмаганди. Шу боис айрим ерда чигит экиш вақтида плёнка тўлиқ ёйилмаган, баъзи жойларда уя катта очилиши натижасида бегона ўт ўсишига шароит яратилган. Айни кунларда сабоқлардан тўғри хулоса чиқариб дала ишларини намунали ташкил этишга астойдил ҳаракат қилинмоқда.

Шу нарсани яхши уқдикки, ҳозирги раҳбар, мутахассис фойда олиш ҳақида алоҳида бош қотириши керак. Бизни боқадиган ғалла, пахта. Аммо бебаҳо бойлик — ердан унумли фойдаланиб етарли миқдорда сабзавот маҳсулотлари, қовун-тарвуз, чорва учун озуқа етиштиришни унутмаслик керак. Тўғри, уруғлик муаммосини ҳал этиш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Ҳар хўжаликда элита чиқарадиган бригада бўлиши зарур, деган фикрни якдил қўллаб-қувватлаймиз. Ахир барча имконият була туриб қачонгача четдан уруғлик келтирамиз.

Истиқболли усул туманимиздаги Навоий номли, «Оқтепа» хўжаликларида яхши синовдан ўтаяпти. Одатда Жануб шароитида майдонлар суғорилиб, етарли нам тўплангач чигит экилади. Зеро бу йил ҳам шундай йўл тутилди. Лекин тажриба сифатли шудгорланган майдонларни суғормасдан март ойининг биринчи ўн кунлигида плёнка остига чигит экиш мумкинлигини кўрсатди. «Оқтепа» хўжалиги раҳбари С. Қобулов суяги деҳқончиликда қотган, маҳаллий шароитни яхши биладиган ташаббускор раҳбар. Бултур бу ерда 336 гектар ерда оқ олтин етиштирилди. Қийинчиликлар омилкорлик билан енгиб ўтилди. Иқтисодий манфаатдорлик яппи сафарбарлик ва жўшқин меҳнат маромини таъминлади. Қийин шароитда иш юритаётган хўжалик деҳқонлари гектар ҳосилдорлигини 30 центнерга етказдилар. Йиллик режа зиёдаси билан адо этилди. Бу йилги ғўза ниҳолларининг авжини кўриб ишонгинг келмайди. Андижон технологияси сарф-харажатни камайтираяпти, ердан имкон қадар унумли фойдаланишга шароит яратаяпти.

Сўнгги икки-уч йил ичида ғаллазорларимиз 5 минг гектарга кенгайди. «Сурхон», Т. Шобуров номли, Н. Боймуродов номли, «Шарқ юлдузи», Ҳамид Олимжон номли хўжаликларда ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Сара, ҳосилдор, маҳаллий иқлим шароитига мос буғдой навлари ўзини кўрсатди. Бўлиқ бошоқлар баҳри-дилингизни очади. Ҳадемай ғалла ўрим-йиғимини қизғин бошлаб юборамиз. Қирқ бешта комбайн шай турибди. Улардан тўрттаси қудратли «Кейс»лардир. Туман ҳокимлиги тўғри хулосалар чиқариб олди. Бу йил узум, мева ва бошқа неъматлар етиштириш юзасидан ҳам аниқ тадбирларни амалга ошираяпмиз.

Юртбошимиз жамиятимиз истиқболини, мамлакатимизнинг тақдирини, бахту саодатини таъмин этувчи ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор бермоқда. Биз ҳам халқ таълими тизимини бутунлай қайтадан ислоҳ қилиш хусусидаги фикрларга қўшиламиз. Таъкидланганидек, бугунги кунда умумтаълим мактабларининг 9-синфини тугатган кўплаб ўсмирлар ишга жойлашолмай юришибди. Аҳолини иш билан таъминлашдек катта муаммони ечиш учун биринчи навбатда кичик ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий ҳунармандликни қўллаб-қувватлаш, янги-янги имкониятларни излаб топишни ҳаёт тақозо этмоқда. Мақсадга эришишда янги ишга туширилган саноат корхоналарининг аҳамияти катта булаяпти. Кўпдан-кўп қишлоқ ёшлари ажойиб касб-ҳунар эгалари бўлишди. Жарқўрғондаги ип йигирув-тўқув фабрикасида харидоргир газламалар ишлаб чиқарилмоқда. Масалан тўрт ой ичида белгилангандан кўп — 2 миллион 263 минг погонметр газлама тўқилди. Иноқ жамоанинг ўз анъаналари шаклланмоқда.

Қурилиш материаллари конструкцияси заводида ишлашни орзу қилувчилар жуда кўп. Бу ерда тайёрланаётган саноат маҳсулотлари бунёдкорлик ишларини жонлантиришда муҳим аҳамият касб этаяпти. Минор, Мингчинор, Исмоилтепа қишлоқлари ёшлари орасидан замонавий касб эгалари етишиб чиқмоқда. Маданий-маиший, тиббий, савдо хизмати кўрсатиш жонланди. 96 та мактабимизда таълим-тарбия ишлари намунали олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда асосий эътибор қишлоқларимизни тўла газлаштириш ва барча аҳолини водопровод сувидан баҳраманд этишга қаратилган.

Туманимиз кишилари мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ҳукм сураётганлиги бебаҳо бойлик эканлигини қалбдан ҳис қилмоқдалар. Бахтга қарши қўшни Тожикистон ва Афғонистонда вазият нотинч. Шу боисдан чегарачи ва божхоначиларимиз ўта ҳушёрликда ишлаб, ҳудудимизга қурол-яроғ, гиёҳванд моддалар олиб ўтилмаслигини, республикамиздан халқимиз учун зарур маҳсулотлар ташиб кетилмаслигини таъминлашлари даркор. Бунинг учун таъкидланганидек ҳар биримиз — у хоҳ раҳбар, хоҳ оддий ишчи бўлсин, ўз иш жойида вазифасини холисона, масъулият ва жавобгарликни ҳис этган ҳолда бажармоғимиз лозим.

Худо ярлақаган одамлармиз. Сурхондарёда қуёшли кунлар, ер, сув етарли. Одамларимиз меҳнатсевар, ориятли, мақсадга эришиш йўлида ўзини аямай ишлайдиган асл ватанпарварлардир. Ҳамма гап энди бир ёқадан бош чиқариб виждонан, ташаббус кўрсатиб ишлашдадир. Мамлакатимиз раҳбарининг Сурхондарёга ташрифи ноз-неъмат бунёдкорларининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончларини янада мустаҳкамлади.

### *АНДИЖОН УСУЛИ ШАРОФАТИ*

Б. ТОШАЛИЕВ,
Термиз туманидаги «Намуна» жамоа хўжалиги бригадири

**Хўжалигимизда иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга оширишда барчага намуна бўлаётган фидойи инсонлар кўп. Моҳир ташкилотчи, бригада саркори Ф. Шоймуродов уларнинг бири. Юртбошимиз мазкур бригада далаларини бориб кўрдилар. Андижон усулининг афзалликлари баравж ниҳолларда ўз ифодасини топганди. Ислом Абдуғаниевич ютуқларни қайд этиш билан бирга янгиликни жорий этишдаги баъзи камчиликлар, ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни аниқ-равшан кўрсатиб ўтдилар. Иқтисодий ислоҳотни янада жадаллаштириш, илғор технологияни намунали қўллашнинг моҳияти хусусида қимматли маслаҳатлар бердилар.**

**Ўша кун барчамиз учун ғоят қувончли, бир умрга эсда қоладиган онларга айланди. Ҳамкору ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаб дала ишларини қизғин олиб бормоқдамиз. Бултур бригадамиз гектаридан 30 центнердан пахта ҳосили олганди. Жорий йилда бу кўрсаткич камида 45 центнер бўлади. Ғалламиз пишиб етиляпти. Ният бу соҳада ҳосилдорликни гектарига камида 5 центнерга ошириш.**

### *НИЯТ — ГЕКТАРИДАН 60 ЦЕНТНЕР*

О. НОРМУРОДОВ,
«Янгиариқ» жамоа хўжалиги меҳнат фахрийси

**Истиқлол ва иқтисодий ислоҳот шарофати билан улуғ ишлар рўёбга чиқмоқда. Бир вақтлар ҳатто кичкинагина томорқамизда ғалла етиштирсак, кимларнингдир ғаши келарди. Не бахтки, бебаҳо бойлик — ер унинг ҳақиқий эгаларига ижарага берилди. Ўзингники бўлганидан кейин жонингни жабборга бериб ишлайсан. Мўмай даромад тайинда. Президентимиз хўжалигимиз фахри М. Абдураҳмонова даласида етиштирилаётган «Скифянка» навли буғдой ривожини кўриб мамнун бўлдилар. Моҳир ижарачи бу йил гектаридан камида 60 центнердан буғдой ҳосили оламан деб турибди. Бу фидойи меҳнат, тадбиркорлик ва ташаббускорлик самарасидир.**

**Ғаллазорда, серфайз далаларда Президент ва деҳқон ўртасида бўлиб ўтган самимий мулоқот чоғида ўзимизни ўйлантираётган жуда кўп саволларга жавоб олдик. Бизга сара, маҳаллий иқлим шароитга мос буғдой навларини етиштириш, уни уруғчилик хўжаликларида синаб кўриш лозимлиги уқтириб ўтилди. Чиндан ҳам ўзимизни ўзимиз сара уруғ билан таъминламас эканмиз, ғаллачиликда юксак самарадорликка эришиш осон кечмайди. Айни кунларда туманимизнинг ташаббускор деҳқонлари Хўжамбобо Бегимов, Эргаш ота Жўраев ва бошқалар меҳнат беллашувига қизғин тус бериб омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатмоқдалар.**

## МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЖЎШҚИН ҲАЁТИ





Шеробод туманидаги «Кўхитанг» кооператив хўжалигида тўл олиш мавсуми муваффақиятли якунланди. Бу йирик қоракўлчилик хўжалигида 26 минг бош қўй-қўзи парваришланмоқда. Барча отарларда муҳим юмушлар намунали ва аниқ ташкил этилганлиги боис жорий йил натижалари қувончи бўлди. 15 минг 500 бош она қўйдан қарийб ана шунча тўл олинди. Ўстиришга қолдирилган қўзиларни яхши парваришлашмоқда.

Қўзилатиш мавсумининг илғорлари сарҳисоб натижасига қараб рағбатлантирилдилар. Уларнинг ҳар бирига 5 минг сўмдан пул мукофоти берилди. Айрим пешқадам қўйчивонлар эса мавсумда 5 бошдан қўй-қўзи билан муносиб тақдирланишди.

СУРАТЛАРДА: 1. Хўжаликнинг донгдор чўпони Турсунбой Абдураҳмонов 40 йилдан кўпроқ вақтдан буён самарали меҳнат қилиб келаяпти. Унинг йилдан-йилга эришаётган ютуқлари бир-биридан қувончли. 2. Кўҳитанг яйловларида.

Искандар ХЎЖАЕВ олган суратлар (ЎзА).

### *ПИЛЛА ТОПШИРИШГА КИРИШИЛДИ*



**Ипак қурти парваришига барвақт киришган Термиз тумани миришкорлари пилла топширишга киришди. Пиллакорлар билан шартнома асосида ишлаётган тайёрловчилар «Халқобод», «Намуна», «Дўстлик», жамоа хўжалиги аъзоларидан дастлабки тонна хомашё қабул қилиб олди. Мутахассисларнинг фикрича, пилла сифати ҳар қачонгидан ҳам юқоридир.**

### ПАРВАРИШ СОЗ

Қўриқ Муборак туманидаги «Қарлиқ» жамоа ширкат хўжалиги миришкорлари режадаги 1100 гектар майдонда чигит қадаб, тўла ундириб олдилар. Хўжалик далаларида шу кунларда ниҳолларга дастлабки ишлов берилаяпти. Чопиқ тракторларининг мавсумга тайёр ҳолга келтирилганлиги, ёқилғи ва керакли қисмларнинг ҳозирланганлиги режадаги ишнинг ўз муддатида уддаланишига қўл келаяпти.

Хўжалик тасарруфидаги Шерқул Ирисов, Товмурод Шарипов, Мухтор Аҳмедов каби деҳқон-фермер хўжаликларида айниқса, баҳорги ишлар кўнгилдагидек бораяпти. Ҳар куни далаларда 28 та чопиқ тракторлари мунтазам ишлаб турибди.

### ОЙЛИККА ҚЎШИМЧА

Чорвачилик иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан бири. Сайхунобод тумани миришкорлари тармоқни юксалтириш, соҳадан мўл-кўл маҳсулот етиштириш борасида тадбирли ишларни амалга ошираяптилар. Ўтган йилга қараганда озуқабоп экин майдонлари икки ярим баробарга кенгайтирилди.

Тумандаги Турсунмат Ғуломов номли, «Пахтакор» жамоа хўжаликларида баҳорнинг дастлабки ойидаёқ чорва маҳсулдорлиги сезиларли даражада ўсди. Ана шу хўжаликлар тасарруфидаги чорвачилик фермаларида соғувчи ва чўпонларнинг ўз вақтида тақдирланаётганлиги, уларга етарли даражада шарт-шароитлар яратилаётганлиги тармоқни ўнглаб олишда асосий туртки бўлаяпти. Ҳозирги кунда чорвадорларнинг ойлик маошлари 3000—3500 сўмни ташкил этаяпти. Уларга ойликка қўшимча тариқасида ун, ёғ, гуруч ва гўшт маҳсулотлари ҳам вақти-вақти билан бериб бориляпти.

### ҒОЛИБГА МУКОФОТ

**Шу кунларда мамлакатимиз ғаллакорлари мавсум арафасида турибдилар. Аксарият майдонларда ғалла пишиб етилмоқда. Жиззах вилоятида ўрим-йиғимга ҳозирданоқ пухта тайёргарлик кўрилаяпти. Вилоят «Агромашсервис» ҳиссадорлик жамияти ташаббуси билан махсус гуруҳ тузилиб, жойларда техника назорати кўриклари ўтказилаяпти.**

**Куни кеча Арнасой туманида техника кўриги бўлиб ўтди. Унда барча хўжаликларнинг механизаторлари, туман МТП жамоаси фаол иштирок этдилар. «Бухоро», «Андижон» каби жамоа хўжалиги механизаторлари назорат кўригида ғолиб деб топилди. Биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни олган ғолибларга вилоят ҳокимининг қимматбаҳо совғалари, пул мукофотлари берилди.**

### ХУСУСИЙ ФИРМАНИНГ ХАЙРЛИ ИШИ

Меҳр-шафқат, муҳтожларга беминнат ёрдам кўрсатиш халқимизга хос хислатлардан. Олтинсой туманидаги «Ғолиб» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси жамоаси тумандаги қарамоғида ҳеч кими бўлмаган, кўп болали оилалар ва етим болаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида хайрия кечаси ўтказди. Унда туман раҳбарлари, меҳнат ветеранлари, Хўжасоат номли жамоа хўжалиги фуқаролари қатнашдилар. Корхона маъмурияти шу куни 10 нафар қарияга, тўрт нафар етим болаларга совға-саломлар улашди. Шунингдек, улар ташаббуси билан 14 нафар аълочи ўқувчиларга ҳар ойда 150 сўмдан стипендия бериладиган бўлди.

**Ҳ. АБДУСАМИЕВ.**

## МЎЛ ҲОСИЛ НИШОНАЛАРИ

**Бепоён далалар кун сайин файзли, тароватли бўлиб бораяпти. Барака уруғи қадалган майдонларда униб чиққан ғўза ниҳоллари деҳқонлар кўнглини ҳушнуд этиб, миришкорлар ғайратини оширмоқда.**

**Сирдарё туманидаги «Ҳақиқат» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси экинзорларида ҳам бугун меҳнат кўтаринкилиги авжида. Деҳқонлар жорий йилда 845 гектар ерга чигит қадашни саккиз иш кунида ниҳоясига етказишганди. Ҳамма пайкалларда ниҳоллар бир текис униб чиқди. Ҳозир барча бригадаларда ҳамда 23 та деҳқон-фермер хўжаликларида ғўза ниҳоллари меҳр билан парваришланаётир.**

**Айниқса Сайфат Ғофуров, Азиз Латипов, София Каримова, Ҳасан Қўшназаров, Маъруф Аҳмедовлар етакчилик қилаётган бригадаларда, шунингдек, пахтачиликда кўзи пишган ижарачилардан Юсуф Равшанов, Карим Бозоров, Ҳалимбой Собировларнинг далаларидаги ўсимлик ривожи соз.**

**Ғўза ниҳолларига сифатли ишлов беришда Аҳмад Аббосов, Эркин Эгамов, Эркин Абдукаримов, Набижон Маҳкамов, Турдиали Қўшмуродов сингари 13 нафар механизаторлар фидойилик кўрсатмоқдалар. Механизаторларга бир қопдан ун, 10 килограммдан ёғ, 30 килограммдан гуруч тарқатилди.**

**Хўжалик аъзолари пахтачилик билан бир қаторда ғаллачиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият бермоқдалар. Улар ўтган йил кузда 985 гектар майдонга яхши ният билан эл ризқи — дон қадашганди. Бир текис ундириб олинган майсаларнинг пайҳон бўлишига йўл қўймасдан, авайлаб асрашди. Ҳозир ғаллакорлар кўзлаган мўл ҳосил тўпланмоқда. Барча экин майдонлари уч марта озиқлантирилиб, уч марта оби-ҳаётга қондирилди. Ўрим комбайнлари мавсумга сифатли таъмирланди. Яқин кунларда мавжуд еттита комбайн ғаллазорларда жавлон уриб, азиз неъмат — донни саранжомлашга киришади.**

**Миришкорларнинг жорий йилдан умидлари катта. Яхши ниятларни дилларига жо этиб астойдил ҳаракат қилишмоқда. Улар 1997 йилда 2135 тонна пахта, 3575 тонна дон, 150 тонна сабзавот, 20 тонна картошка, 9 тонна узум, 10 тонна пилла, 9 тонна мева етиштиришни режалаштиришган.**

**— Миришкор деҳқонларимиз ғайратига тасаннолар айтса арзийди. Ғанимат дамлардан фойдаланиб чигитни бехато ундириб олишди. Эндиги асосий вазифамиз уларни бақувват қилиб ўстириш. Бунинг учун бутун куч ва имкониятларимизни ишга солаяпмиз, — дейди деҳқон-фермер хўжаликлар уюшмасининг ёш, серғайрат раҳбари Абдужаббор Муқумов. — Ғалла ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказиш, ғолибларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирлари ишлаб чиқилган. Ниятимиз бу йил тармоқнинг барча соҳалари бўйича белгиланган режаларни муваффақиятли адо этишдир.**

**Ҳозир хўжалик деҳқонларининг фидокорона меҳнатлари эвазига пахтазорлар яшил либосларга бурканаётган бўлса, ғаллазорларда эса бўлиқ бошоқлар сони кун сайин тўлишиб жорий йил мўл ҳосилига мустаҳкам пойдевор қуйилаяпти.**

Эркин ТЎЛАГАНОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

## ТЕХНИКА ЎРИМГА ТАЙЁР

**Жорий йилда наманганлик ғаллакорлар 70 минг гектар майдонда экинларни парваришламоқдалар. Майсаларни агротехника қоидалари асосида парваришлаш билан бирга ўрим мавсумига ҳам пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Мавжуд 507 комбайннинг ҳаммаси деярли тайёр ҳолга келтирилди. Бу ишларни амалга оширишда вилоят «Агромашсервис» бирлашмаси ишчилари ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшмоқдалар.**

**Бирлашманинг Уйчи туманидаги марказида ҳозир Американинг 31 «Кейс» комбайни мавжуд. Уларнинг ҳаммаси ўрим мавсумига шай қилиб қўйилган. Яна шундай олтита комбайн олиб келиш мўлжалланмоқда. Вилоятнинг 13 та туманидаги МТПлари ҳозирга қадар 10 миллион сўмга яқин эҳтиёт қисмларни олиб келди. Яна мавсум бошлангунга қадар 22 миллион сўмлик ана шундай қисмларни олиб келиш режалаштирилган.**

**Кўпгина туман бўлимларида ишга яроқсиз баъзи деталларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тўрақўрғондаги тракторларни таъмирлаш корхонаси, Уйчи марказий таъмирлаш устахоналари бунга мисол бўла олади. Ўрим мавсумига пухта тайёргарлик кўришни вилоят ҳокимлиги ўз назоратига олганди. Ҳокимлик вакиллари мутахассислар билан биргаликда тайёр ҳолга келтирилган техниканинг сифатини бирма-бир назоратдан ўтказишди.**

А. ҚОРАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

